

Ошқозон-Ичак Фаолияти Функционал Бузилишларида Психоэмоционал Бузилишларнинг Ўзига Хос Жихатлари

Рустамов Уйғун Турсинович¹

Аннотация: Тадқиқотда ошқозон -ичак тракти функционал патологияси бўлган беморларда депрессив бузилишларининг тарқалиши, тузилиш хусусиятлари, нозологик боғлиқлиги ва касалликнинг оғирлик даражасига қараб депрессиянинг даражалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Депрессия ёки психопатологик бузилишларнинг кенг тарқалганлиги бу касалликнинг полиморфлигини белгилайди. Тадқиқотимизда HADS-шкаласидан фойдаланиб депрессиянинг оғирлик даражалари ўрганилди.

Калит сўзлар: ошқозон-ичак трактининг функционал бузилишлари, депрессив бузилишлар, психодезадаптация, меланхолик депрессия.

Долзаблғи: Ҳозирги вақтда гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоларидан бири бу ошқозон-ичак трактининг (ОИТ) функционал бузилишларидир. Ушбу патологиянинг кўп тарқалиши, дифференциал ташхис қўйиш қийинлиги ва ушбу тоифадаги беморлар учун даволаш самардорлигининг етарли эмаслиги билан боғлиқ [1, 2]. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, гастроэнтерологларга мурожаат қилган беморларнинг 30 фоизидан 70 фоизгача функционал бузилишлардан азият чекмоқда ва уларнинг деярли ярмида руҳий ҳолатида бузилиш турлари борлиги аниқланган [3, 4]. Ошқозон-ичак тракти патологияси бўлган беморларнинг психопатологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб руҳий бузилиш турлари касалликнинг оғирлик даражасига кўра ҳар бир шахсда турлича кечиб касалликни кўзгатувчи омилларнинг кўплиги билан ҳам боғлиқ [5], аммо коморбид муносабатларнинг клиник кўринишлари ва тузилиши ҳали ҳам яхши ўрганилмаган [6, 7]. Беморларнинг даволанишга бўлган иштиёқини ошириш замонавий тиббиётнинг долзарб йўналишларидан биридир [7]. Ҳозирги вақтда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касаллиги билан касалланган беморларни даволашни 250 га яқин омиллари маълум, бу эса шу касаллик билан касалланган беморларни руҳий-эмоционал ҳолатини аниқлашни мураккаблигидан далолат беради [8]. Бизнинг тадқиқотимизда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак тракти функционал бузилишлари бор булган беморларимизда психоэмоционал бузилишларни касаллик оғирлигига кўра кузатиш ва аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади: Ошқозон-ичак фаолияти функционал бузилиши касалликларига депрессив бузилишларнинг тузилиши ва тарқалишини аниқлаш, ва касалликларига мос келиши таъсирини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар: Бухоро вилоят кўп тармоқли касалхонасининг гастроэнтерологик бўлимида 89 нафар стационар даволанган беморлар билан суҳбат ўтказилди. МКБ-10 ва DSM-IV мезонларига мувофиқ психопатологик синдромларнинг хусусиятларига эга бўлган социодемографик маълумотлар, анамнез маълумотлари ва клиник қисмни ўз ичига олган сўров усули билан тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотга олинган беморларимизнинг, 34таси эркак ва 55таси аёл (ўртача ёши $42,9 \pm 12,9$ ёш). Тадқиқотимизда депрессияни аниқлашдаги Гамильтон томонидан яратилган HADS шкаласидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларни муҳокама қилиш: Назоратга олинган беморлар орасида 38,2% эркаклар, 61,8% аёллар. Гастроэнтерологик патологияси бўлган беморлар гуруҳида асосан ишлайдиган одамлар (77,5%) устунлик қилишган. Ишламайдиган беморлар 22,5% ни ташкил этди. Иш билан банд бўлганларнинг 49,3 фоизида меҳнатга мослашишнинг пасайиши (иш суръати ва ритмини ушлаб тура олмаслик, турли сменаларда ишлаш, меҳнат интизомини бузиш) аниқланди. Ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши, масалан, аввалги манфаатларни йўқотиш, бефарқлик, ташаббускорлик йўқлиги, оилавий муносабатларнинг бузилиши ёки, можаро каби ҳолатлар назоратдагиларнинг 38,2 фоизида аниқланди. Болалик давридаги психодезадаптив эпизодлар беморларнинг 52,8 фоизида аниқланган: органик турдаги бузилишлар (бош оғриғи, тунда кўрқув, уйқусида юриш ва бошқалар), ҳаддан ташқари юкори даражадаги баҳо беришлар (тана дисморфик бузилиши, невроз, анорексия), аффектив бузилишлар (кўрқув, депрессив реакциялар, кўзгалувчанлик). Асосий касалликнинг пайдо бўлиши ёки қайталанишига ёрдам берувчи омил сифатида стрессни беморларнинг 59,6% кўрсатган. Деярли барча беморларда ўзига хос бўлмаган соматик шикоятлар (иштаҳанинг бузилиши, вазн йўқотиш, заифлик, кўнгил айниш ва бошқалар) келиб тушган, бу эса улар жиддий касаллик, кўпинча ошқозон саратон касаллиги борлигидан хавотирга тушган. Психоэмоционал бузилишларнинг кўп тарқалган турлари беморларнинг 88,4 фоизида аниқланди ва 75,4 фоизида кўшича касалликлар аниқланди. Текширувдан ўтган беморлар орасида 78,7% ҳолларда депрессив бузилиш белгилари аниқланган. Ўта оғир депрессия 43,8% беморда аниқланди, оғир депрессия устунлиги (23,6%) энгил депрессив кўриниш эса (11,3%) беморларда аниқланди. Беморлар уйқусизликдан (61,8%) қийналиш хиссидан шикоят қилишди. Асосий касалликнинг пайдо бўлиши ёки қайталанишига ёрдам берувчи омил сифатида стрессни беморларнинг 59,6% кўрсатган. Кузатувларнинг 52,8 фоизида чарчоқ ёки куч йўқотилиши шикояти деярли ҳар

¹ Бухоро давлат тиббиёт институти

куни аниқланди, текширилувчиларнинг 47,2 фоизи куннинг аксарият қисмида ва деярли ҳар куни давом этадиган тушқун кайфиятни кўрсатди. Тушқунликка тушган беморларнинг 42,7% диета билан боғлиқ бўлмаган даражада вазн йўқотишларини қайд этишди. Беморларнинг 38,2 фоизида когнитив бузилишлар аниқланди (фикрлаш ва мулоҳаза қилиш қобилияти пасайган, ўлим ҳақидаги такрорий фикрлар). Депрессияга чалинган беморларнинг 35,9 фоизида фаолиятнинг барча турларида қизиқишнинг сезиларли даражада пасайиши ёки завқланиш йўқолиши аниқланди. Сўралганларнинг учдан бир қисмида (14,6%) депрессив бузилишлар ўзларининг қадрига хисси ва асоссиз айбдорлик хисси билан бирлаштирилган. Депрессия таркибида хавотирнинг намоён бўлиши, беморлар хаддан ташқари ташвиш ва хавотирга, ёмон нарсани кутиш, безовталиқ, сабрсизлик, асабийлашиш, тез-тез уйғониш шаклида уйқу бузилиши, ухлаб қолиш қийинлиги, яқинлашиб келаётган ўлим хисси билан боғлиқ обсессив фикрлар ҳақида шикоят қилдилар. Кўркув ваҳимали бузилиш мушакларнинг қисқаришининг кучайиши, бўшашишга қодир эмаслиги, эпигастрал соҳа ва ичак бўйлаб оғриқ ва безовталиқ, қорин бўшлиғида таранглик хисси, шунингдек, гастроинтестинал тизимдан келтирилган аломатлар кўпинча беморнинг шикояти орасида биринчи ўринга бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтирди ва гастроэнтеролог томонидан тайинланган дори билан даволаниш самараси камлигини, даволашда ижобий таъсир кўшимча тарзда психотерапияни киритиш билан эришилди. Депрессив ҳолатлар 76,9% ҳолларда фобик (ўзига ҳос, ижтимоий ва агрофобия) ва ваҳима бузилишлари билан биргаликда бўлган. Шуниси эътиборга лойиқки, бемор тез-тез ваҳима кўзғалишлари учун касалхонада бўлган сабаб ошқозон-ичак трактдан нохуш сезилар: (стернум орқасида оғриқ ёки ёниш хисси, тўқлик хисси, эпигастрал соҳада шиш) ни хис этганлар. Ошқозон-ичак трактнинг функционал бузилиши бўлган беморларда меланхолик ёки меланхолик депрессия (12,4%) руҳий тушқунлик, меланхолик ва умидсизлик хисси билан ажралиб туради. Меланхолик депрессияга чалинган беморлар бефарқ, рецелларга, диагностик тадқиқотлар натижаларига қизиқиш билдирмаганлар, касалликлари ҳақидаги маълумотларга қизиқишмаган. Сенестоипохондрик депрессиясига (5,6%) ноаниқ ифода этилган депрессив кайфият фониди ички органлардан ёқимсиз, оғриқли ҳислар шикояти устун бўлганида ташхис қўйилган. Сенестопатик ҳислар баъзида табиатан аниқ бир мазмунга қаратилган. Беморларда ошқозон соҳасида "тўсатдан шиш", "кўлларда титроқ", "томоқда оғриқ", "ичакларда оғриқ", кўпинча ичак бўйлаб кўчиб юривчи ҳисларни сезганлар. Халқаро тасниф МКБ-10 га мувофиқ депрессив синдром такрорий депрессия дистимия (20,5%), депрессив эпизод (7,7%), биполяр аффектив бузилиш (5,1%) доирасида содир бўлган, 38,5% ҳолларда депрессив синдром невротик ҳолат билан, стресс билан боғлиқ ва соматоформ касалликлар (соматизацияланган бузилиш, мослашиш бузилиши, шикастланишдан кейинги стресс бузилиши) доирасида юзага келган. Ўрганилганларнинг 7,7 фоизида органик аффектив бўлмаган психотик депрессия бузилиши доирасида аниқланди. Тадқиқот давомида аниқланишича, психопатологик бузилишларнинг кенг тарқалганлиги ва оғирлигига қарамай, сўралганларнинг 62,9% ҳаёти давомида ҳеч қачон психиатрга мурожаат қилмаган. Беморларнинг 37,1% психиатр, психотерапевт ёки психологга мурожаат қилганлар, қоида тариқасида, узоқ муддатли кузатувсиз, битта консултация олишган. Сўралганлар орасида терапияга кам риоя қилган шахслар устунлик қилди. Синов натижаларига кўра, текширилганларнинг 62,9 фоизи талабларга жавоб бермаган, беморларнинг 23,6 фоизи хавф гуруҳига кирган ва атиги 13,5 фоизи талабларга жавоб берган.

Хулоса: Ошқозон-ичак трактнинг функционал бузилишларига чалинган беморларнинг кўпчилигида, текширув вақтида ва уларнинг ҳаёти давомида руҳий саломатлик билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди ва психиатр, психотерапевтдан керакли тавсия ва даво муолажаларни олишда эътиборсизлик ва лоқайдликларга гувоҳ бўлди. Сўралганларнинг аксариятида руҳий бузилишлардан азият чекишган. Функционал ошқозон-ичак патологияси бўлган беморларда руҳий бузилишларнинг кенг тарқалиши ва полиморфизми узоқ муддатли кузатув зарурлигини таъкидлайди. Бундай ҳолларда стационар ва амбулатор шароитда даволанадиган беморларимизга психиатр маслаҳати зарурлиги руҳий ҳолатни тўғрилаш даволаниш муддатини қисқартиришга, барқарор ремиссияни шакллантиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ивашкин В.Т., Шептулин А.А., Киприанис В.А. Функциональная диспепсия: краткое практическое руководство. М.: МЕДпресс-информ, 2011. 112 с. Ivashkin V.T., Sheptulin A.A., Kiprianis V.A. Funktsional'naya dispepsiya: kratkoe prakticheskoe rukovodstvo. М.: MEDpress-inform, 2011. 112 s.
2. Кузьмичев А.Ф. Психические расстройства при синдроме функциональной диспепсии: дис. ... канд. мед. наук: 14.01.2006. М., 2010. 153 с. Kuz'michev A.F. Psikhicheskie rasstrojstva pri sindrome funktsional'noj dispepsii: dis. ... kand. med. nauk: 14.01.2006 . М., 2010. 153 s.
3. Махов В.М., Ромасенко Л.В., Турко Т.В. Коморбидность дисфункциональных расстройств органов пищеварения. Русский медицинский журнал. Болезни органов пищеварения. 2007. Т. 9. № 2. С. 37-42. Mahov V.M., Romasenko L.V., Turko T.V. Komorbidnost' disfunktsional'nyh rasstrojstv organov pishchevareniya. Russkij Medicinskij Zhurnal. Bolezni organov pishchevareniya. 2007. T. 9. № 2. S. 37-42.
4. Рустамов, У. Т. (2022). ОШҚАЗОН ИЧАК-ТРАКТИ ФУНКЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРИДА ДЕПРЕССИЯ ВА ХАВОТИРЛИ ХОЛАТЛАРНИ ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР. Scientific progress, 3(4), 702-708
5. Rustamov, U. T. (2021). Specific Features of Psychoemotional Disorders in Functional Disorders of Gastrointestinal Activity. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES, 308-310.

6. Mukhamadieva, N. B., Mukhtorova, K. K., & Rustamov, U. T. (2019). EVALUATION OF THE BIOCHEMICAL INDICATORS OF BLOOD OF PATIENTS AFTER MYOCARDIAL INFARCTION WITH DEPRESSIVE SYNDROME. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 2(2), 111-115.
7. Кучкаров, У., Рустамов, У., Худойбердиев, Д., & Назаров, А. (2018). Определение, оценка и оптимизация методы лечения аутизма. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (2.1 (101)), 145-148.
8. Ходжаева, Н. И., Кучкоров, У. И., Мухтарова, Х. К., & Рустамов, У. Т. (2011). ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТИПОВ РАССТРОЙСТВА СНА В ПОСТАБСТИНЕНТНОМ ПЕРИОДЕ ГЕРОИНОВОЙ НАРКОМАНИИ. *ПСИХОЛОГИЯ ЗДОРОВЬЯ И БОЛЕЗНИ*, 417.
9. Port K., Palm K., Viigimaa M. Self-reported compliance of patients receiving antihypertensive treatment: use of a telemonitoring home care system. *J. Telemed. Telecare*. 2003. Vol. 9. P. 65-66.
10. Morisky D.E., Green L.W., Levine D.M. Concurrent and predictive validity of self-reported measure of medical adherence. *Med. Care*. 1986. Vol. 2. P. 67-73.
11. Djurayevna, K. M. (2021). Russian Language as A Foreign Language in Medical Universities. *Eurasian Journal of Research, Development and Innovation*, 3, 14-18.
12. Juraevna, K. M. (2021). THE ORIGINALITY OF CASE FORMS IN RUSSIAN. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(6), 36-Juraevna, K. M. STUDY OF RU.
13. Nazarova, F. I. R. U. Z. A. (2021). The use of phenological observations in the determination of the main phases of the development of thin-fiber goose varieties in the conditions of Bukhara region. *Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (9), 523-526.
14. Nazarov, A. I. (2022). ATROF-MUHITNING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI. *Scientific progress*, 3(1), 881-885.
15. NAZAROV, A. (2022). TECHNOLOGY OF PREPARATION OF GLUE FROM CARPET FACTORY WASTE. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 32-36.
16. Назаров, А. И. (2022). АУТИЗМ КАСАЛЛИКНИ ЭРТА АНИҚЛАШДА ВА ДАВОЛАШДА ДАВО ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ДАВО САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. *Scientific progress*, 3(1), 1143-1152.
17. Nazarov, A. (2021). Challenges to Uzbekistan's secure and stable political development in the context of globalization. *Journal on International Social Science*, 1(1), 26-31
18. Nazarova, F. I. (2022). SOG'LOM FARZAND OILA QUVONCHI. *Scientific progress*, 3(2), 1010-1015.
19. Назаров, А. И. (2022). COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3(2), 1026-1031.
20. Nazarov, A. I. (2022). CONSEQUENCES OF SEIZURES AND EPILEPSY IN CHILDREN. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 483-489.
21. Nazarov, A. (2018). THE GLOBALIZING WORLD: THE CONDITIONS AND PREREQUISITES FOR POLITICAL DEVELOPMENT THROUGH INNOVATIVE POLITICS AND PREVENTIVE DEMOCRACY. *Theoretical & Applied Science*, (4), 9-12.
22. Nazarova, F. I. (2022). ABU ALI IBN SINONING SOG 'LOM TURMUSH TARZINI SHAKILANIRISHI HAQIDA. *Scientific progress*, 3(1), 1137-1142.
23. Akmalovna, A. C. (2022). Characteristics and Advantages of Soybean Benefits in Every way. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 67-69.
24. Aminjonova, C. A. (2022). SOG'LOM ONA VA BOLA–BAXTLI KELAJAK ASOSI. *Scientific progress*, 3(1), 874-880.
25. Ilhomovna, N. F. (2022). БАТАНИКА ФАНИНИ О'QITISHDA ТА'ЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА INTERFAOL МЕТОДЛАРНИ РОЛИ. *БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 289-295.
26. Ilhomovna, N. F. (2022). DORIVOR O'SIMLIKLARNING O'ZBEKISTONDAGI АНАМИЯТИ. *БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 507-512.
27. Nazarova, F. I. (2022). SOG'LOM FARZAND OILA QUVONCHI. *Scientific progress*, 3(2), 1010-1015.
28. Nazarov, A. (2021). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 409-413.
29. Nazarova, F. (2022). Qaridoshlar orasidagi ofat. *Scientific progress*, 3(1), 663-669.

30. Nazarova, D. (2019). THE INTERPRETATION OF EDUCATIONAL IDEAS IN THE POEMS OF JAMAL KAMAL. *Theoretical & Applied Science*, (11), 136-138.
31. Nazarova D.I. The foundation of Kamol Jamol's poems is pain// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.- 2020.- №6.- P. 1 – 3
32. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.- 2020.- №6.- P. 1 - 3.
33. Quvvatova, D., & Nazarova, D. I. (2020). The rubai genre in the works of Jamal Kamal. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, (9), 346-352.
34. Dildora, N. (2021). Genre Features o.\
35. Nazarova, D. (2019). Literary Motives of Sufizm and Spiritual, Moral Ideas in the Lyrics of Jamal Kamal. *International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8. Issue, 3(October 2019)*, 223.
36. Nazarova, D. (2019). POETRY OF JAMAL KAMOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(7)*, 186-189.
37. Назарова, Д., & Зойирова, Д. А. (2022). ЖАМОЛ КАМОЛ ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ҚУРИЛИШИ. *Scientific progress*, 3(1), 934-944.
38. Nazarova, D. I. (2020). Jamol Kamolning Asru radifli g'azaliga yozgan muxammasi. *Ilim ham ja'miyet. Ilmiy-uslubiy jurnal*, (1), 93.
39. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.- 2020.- №6.- Pp. 1 - 3.
40. NAZAROVA, F. (2022). CREATION OF FINE-FIBER COTTON VARIETIES IN THE CONDITIONS OF THE BUKHARA REGION. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 50-54.
41. Назарова, Ф. И. (2022). БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ-ДАВР ТАЛАБИ. *БАҲАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 2(2), 92-94.
42. Nazarova, F., & Hudaikulova, N. (2019). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(7)*, 69-73.
43. Назарова, Д. И. (2020). ЖАМОЛ КАМОЛ МУХАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(3)
44. Ilhomovna, F. N. (2022). RESPONSIBILITY OF PARENTS BEFORE THE OFFSPRING. *Conferencea*, 441-446.
45. Ilhomovna, F. N. (2022). LATE SEIZURES AND CONSEQUENCES OF EPILEPSY IN YOUNG CHILDREN. *Conferencea*, 219-223.
46. Ilkhomovna, N. F. (2022). Negative Impact of Seizures on Quality of Life. *Miasto Przyszłości*, 24, 120-122.